

**12-В/1242-сонли ШАРТНОМА**  
 бланкаларни тайёрлаш учун

Тошкент ш.

2022 йил 08.01

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “DAVLAT BELGISI” Давлат унитар корхонаси бундан буён “Бажарувчи” деб аталган ҳолда, Уставига асосланиб фаолият юритувчи Бош директори Б.Д.Джумаев, бир томон бўлиб ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қискартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби номидан Директор Эришбо сарин Ш.Н. Исраилов (лавозими ф.и.ш)

келгусида “Буюртмачи” деб аталган ҳолда, корхона Низомига мувофиқ иш юритувчи иккинчи томон бўлиб, (кейинги ўринларда “Тарафлар” деб аталади) ушбу шартномани 2021 йил 24 декабрдаги 06/973-рақамли буюртма хати асосида қуйидагилар ҳақида туздилар:

**I. Шартнома предмети**

1.1. “Бажарувчи” “Буюртмачи”нинг буюртмасига мувофиқ қуйидаги маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли ҳолда тайёрлаб беради, “Буюртмачи” эса маҳсулотларни қабул қилиб, мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ ҳақини тўлайди:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот адади	1 бирлик маҳсулот учун ҚҚС сиз (сўм, тийин)	1 бирлик маҳсулот учун ҚҚС билан (сўм, тийин)	Жами ҚҚС сиз (сўм, тийин)	Жами ҚҚС билан (сўм, тийин)
1.	Магистр дипломи бланкалари	дона	300	67 014-00	77 066-10	20 104 200-00	23 119 830-00
2.	Магистр диплом иловаси бланкалари	дона	300	28 491-00	32 764-65	8 547 300-00	9 829 395-00
	<b>Жами:</b>		<b>600</b>				<b>32 949 225-00</b>

**II. Шартноманинг умумий суммаси ва тўлов тартиби**

2.1. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан: **32 949 225-00 (ўттиз икки миллион тўққиз юз қирқ тўққиз минг икки юз йигирма беш) сўм 00 тийинни** ташкил қилади.

2.2. “Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли ҳамда 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли Қарорлари талабларига асосан тайёрланадиган маҳсулот қийматининг–30 фозини шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилигидан рўйхатидан ўтганидан сўнг “Бажарувчи” томонидан тақд.м этилган ҳисобга асосан 15 кун мобайнида олдиндан ҳақ тўлайди.

2.3. Маҳсулот тайёрлаб берилгандан сўнг “Буюртмачи” “Бажарувчи”га мазкур шартнома суммасининг қолган 70 фозини “Бажарувчи” томонидан берилган ҳисоб-фактурага асосан 10 кун ичида тўлайди.

2.4. Тайёрланиладиган маҳсулотнинг нархи, катъий белгиланган ҳисобланмайди ва уни тайёрлаш пайтидаги нархни белгилувчи кўрсаткичлар (ойлик иш ҳақи, асосий материаллар ва энергия ресурслар) нархи ўзгарганда, “Бажарувчи” маҳсулот бирлигининг нархини ўзгартириш ҳуқуқига эгадир. Маҳсулот нархи ўзгарган тақдирда “Бажарувчи” асосий шартномага янги нарх киритилган қўшимча келишув ва нарх келишув баённомаси тақдим этади.

**III. Маҳсулотларни тайёрлаб бериш муддати, тартиби ва қабул қилиш шартлари**

3.1. Мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра олдиндан тўланадиган сумманинг 30-фозиси тўлангандан сўнг “Бажарувчи” ушбу шартномада белгиланган маҳсулотларни 3.2. Бандида кўрсатилган амалиёт тўлиқ бажарилганидан сўнг 40-кун мобайнида тайёрлаб бериш мажбуриятини олади.

3.2. Тўлов амалга оширилишидан олдин маҳсулотнинг асл нусхаси “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи”га тақдим этилади ва шу асл нусхага мувофиқ “Бажарувчи” “намуна” тайёрлаб “Буюртмачи”га беради “Буюртмачи” эса ушбу “намуна”ни тасдиқлаб “Бажарувчи”га қайтаради.

3.3. “Бажарувчи” буюртма тайёр бўлганлиги ҳақида “Буюртмачи”га телефон орқали ёки хат ёзиб маълум қилади. “Буюртмачи” маҳсулот тайёр бўлганлиги ҳақидаги маълумотни олгандан кейин 10 кун ичида маҳсулотни олиб чиқиб кетиши шарт.

3.4. Тайёр маҳсулотлар олиб чиқиб кетиш “Буюртмачи”нинг ваколатли шахслари орқали, унга берилган ишончнома ва паспорт тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

3.5. Эҳтиёж тугилганида қафолат хатлари орқали маҳсулотлар берилиши мумкин. Бунда қарз бўлган сумма бўйича таққослаш далолатномаси тузилиши лозим.

3.6. “Буюртмачи”нинг вакили маҳсулотларни мазкур шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда “Бажарувчи”нинг вакили иштирокда кўриб, қабул қилиб олиши шарт.

3.7. Маҳсулотларни қабул қилиб олиш жараёнида камчиликлар аниқланса, “Буюртмачи”нинг вакили бу тўғрисида “Бажарувчи”нинг вакилига дарҳол маълум қилиши шарт. Маҳсулотларни қабул қилиш жараёнида аниқлаш имконияти бўлмаган (яширин) камчиликлар аниқланганда, тарафлар мазкур шартноманинг 5.1-банди ва қонунчиликда белгиланган қоидаларни қўллайдилар.

3.8. “Буюртмачи”нинг тайёр маҳсулотнинг сонига бўлган эътирозлари “Бажарувчи” томонидан маҳсулот топширилганидан сўнг инobatта олинмайди.

**IV. Маҳсулот сифати**

4.1. Маҳсулотнинг сифати тасдиқланган асл нусхага ва таснифда кўрсатилган техникавий шартларга мувофиқ келиши керак.

**V. Эътирозлар**

5.1. Маҳсулотнинг белгиланган талабларга жавоб бера олмаслиги нуқсон далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши шарт. Нуқсон далолатномасида аниқланган камчиликлар аниқ баён этилиши керак. Мутахассисларнинг хулосаси илова қилиниши мумкин.

5.2. Нуқсон далолатномасини имзолашга “Бажарувчи”нинг вакили тақлиф этилади. Агар тақлиф этилган вакил тақлифномани олган кундан бошлаб 3 (уч) кун мобайнида етиб келмаса унда нуқсон далолатномаси “Буюртмачи”нинг вакили томонидан имзоланади.

5.3. Нуқсон далолатномаси икки нусхада тайёрланади ва унинг бир нусхаси “Бажарувчи”га юборилади.

5.4. “Бажарувчи” 3 (уч) кун муддат ичида нуқсон далолатномасида баён этилган маҳсулот сифатининг номувофиқлиги моҳияти юзасидан ёзма равишда жавоб бериши керак.

5.5. “Буюртмачи”нинг маҳсулот сифатига бўлган эътирози “Бажарувчи” томонидан инobatта олинган тақдирда “Бажарувчи” камчиликларни оқилона муддатда бартараф этади ёки маҳсулот нархини мутаносиб равишда камайтиради.

**VI. Томонларнинг мажбурияти**

6.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашини тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни тақлиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “DAVLAT BELGISI” ДУК ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини қўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулккий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилиши

кафолат беради.

## VII. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Агар тайёрлаб берилган махсулот сифати, ассортиментни бўйича техник шартлар, намуналарга, шартномада келтирилган шартларга мос келмаса, “Буюртмачи” махсулотни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, тайёрлаб берувчидан сифати, ассортиментни лозим даражада бўлмаган махсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар махсулот ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

7.2. Агар “Буюртмачи” буюртмани “Бажарувчи”га топширганидан кейин уни давом эттиришни хоҳламаса, у ҳолда олдиндан тўланган ҳақнинг маълум қисми яъни, “Бажарувчи” бажарган ишлар қийматининг тўлаш ва у қўрган зарарни қоплаш учун ушлаб қолинади.

7.3 «Буюртмачи» тайёр махсулотни кўрсатилган муддатда олиб кетмаса, ўтказиб юборилган кунга «Бажарувчи»га оморда сакланганликдан келиб чиққан зарар учун махсулот қийматининг 5 (беш) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7.4 Ўтказиб берилган махсулот ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи”, “Бажарувчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир календарь куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

7.5 Бошқа ҳолатларда тарафлар (“Буюртмачи”, “Бажарувчи”) мажбуриятларини лозим даражада ёки умуман бажармаганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг тегишли нормалари, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда амалдаги қонунчилик асосида жавобгардирлар.

## VIII. Форс-мажор

8.1. Томонлар хоҳиш иродасидан ташқари юзага келадиган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор (сув тошқини, ёнгин, ер кимираши ва бошқа табиий офатлар ва х.к.) ҳолатларда томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун бир-бирлари олдида жавобгар бўлмайди. Тегишли идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу ҳолатларни мавжудлигини ишончли исботи ҳисобланади.

8.2. Шартноманинг 8.1 бандида назарда тутилган ҳолатлар юзага келган тақдирда шартларни бажармаётган тараф мазкур ҳолат юзасидан ва ушбу ҳолат шартларни бажаришга таъсир этаётганлиги ҳақида хабар бериш керак.

8.3. Шартноманинг 8.1 бандида назарда тутилган енгилмас кучлар ҳолати охириги уч ой давомида давом этса “Бажарувчи” ёки “Буюртмачи” томонидан иккинчи тарафга билдиришнома юбориш билан мазкур шартномани бекор қилиниши мумкин.

8.4. Форс-мажор ҳолатига асосан мажбуриятни бажариш тўхтаб қолганда “Бажарувчи” ёки “Буюртмачи” келтирилган зарарни қоплашни талаб қила олмайдилар.

## IX. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган низоли масалалар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

9.2. Келишувга эришилмаган тақдирда томонлар низоларни ҳал этиш учун қонунчиликка мувофиқ иқтисодий судига мурожаат этадилар.

## X. Яқуний қондалар

10.1. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига кўра ёки улардан бири томонидан шартнома шартларини бошқа томон жиддий бузган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

10.2. Тарафларнинг юридик манзиллари, телефон, факслари, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда улар икки кун муддат ичида бир-бирларига бу ҳақида маълумот беришга мажбурдирлар.

10.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амалда бўлади.

10.4. Мазкур шартнома томонлар имзоланганидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтганидан сўнг кундан кучга қиради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амалда бўлади.

## ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

### «Бажарувчи»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг  
“DAVLAT BELGISI” ДУК

Почта индекси: 100053

Манзили: Тошкент шаҳар,

Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 160 «А»

ҳисоб рақами: 21596000305108789001

МФО: 00014

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ

ИНН: 306612737

ҚҚС коди: 326030048929

ОКЭД: 18120

Тел./факс: 71-209-02-73, 234-46-01, 234-06-31.

### «Буюртмачи»

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактаби

Почта индекси: 100060

Манзили: Тошкент шаҳар

Миробод кўчаси, 25-йўл ш., Миробод ко'часи, 25

ҳисоб-китоб рақами: **IBR23402000300100001010**

MB ХККМ Toshkent sh.

МФО: **sh/hr: 400910860262737094100140001**

ИНН: **O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi g'aznachiligi**

ОКЭД: **MFO: 00014. G'aznachilik STIR: 201122919**

ҚҚС коди: **STIR: 307758823 Tel: 71 239-03-05**

Тел./факс: 71-239-03-05, 239-03-03, 90-954-73-42

«Бажарувчи»  
номидан раҳбар:



Ишлаб чиқарини  
бошқарма бошчилиги

Бош бухгалтер

Юридик хизмат

Шартнома ижроچиси Т.А.Иргашев

«Буюртмачи»  
номидан раҳбар:



Директор ўрини  
Ш. Исраилов  
Юрчест А. Атаманов

Ш. Исраилов